



## БУЮК АЛЛОМАЛАРИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

**Қурбанов Содик**

*Тошкент ислом институти ўқитучиси*

Мовароуннаҳр диёрига ислом дини кириб келгач, бу ўлкадан етук алломалар авлоди етишиб чиқиб, илм-маърифатда бутун дунёга пешқадам бўлди. Бухоро, Самарқанд, Урганч, Насаф, Марв, Косон ва бошқа кўплаб шаҳар-қишлоқлардан чиққан буюк олимлар Она замин шаънини бутун дунёга таратдилар. Уларнинг номма-ном санаб ниҳоясига етиб бўлмайди. Ҳозирги давримизда кўпчилик оммага яхши таниш бўлмаган, лекин ўз даври ва соҳа егалари томонидан юксак эътироф этиладиган олимлардан бири бўлган Абу Наср Ҳаддодий ас-Самарқандийни илмий фаолияти ва уни “Ал-мадхал фий илмит тафсир” асари ҳақида тўхталамиз.

Бу аллома ҳақида маълумотлар асосан араб тили манбаларида учрайди. Имом Жазарий<sup>1</sup>ни “Ғоятун ниҳая фий тобақотил қурро”, Софван Аднон Довудий<sup>2</sup>ни таҳқиқи остида чоп этилган Ҳаддодийни “Ал-муваддиҳ лиъилмил Қуръан” ва “Ал-мадхал фий илмит тафсир”, Валид Аҳмад Ҳусайн<sup>3</sup>ни “Ал-мавсуатул муяссара фиё тарожими аймматит тафсир” асарлари ва яна бир неча манбаларни келтириш мумкин. Тилимизга доир адабиётларда эса бу борада жуда кам маълумотлар учрайди, фақат Шовосил Зиёдов, Қодирхон Маҳмудовларнинг “Самарқанд алломалари” китоби ва Даврон Мақсудовни “Тафсир илмига кириш”<sup>4</sup>номли ўқув қўлланмасини бунга мисол қилиб келтириш мумкин, лекин бу муаллифлар ҳам аллома ҳақидаги маълумотларни юқоридаги манбаларнинг айримларига таяниб келтирганлар.

Олимнинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад абу Наср ас Самарқандий бўлиб, Ҳаддодий таҳаллуси билан танилган. Уни бу ном билан аталишига сабаб темирчи бўлганлиги, ёки Ҳаддода қишлоғида туғилганлиги сабаблидир<sup>5</sup>. Тарихчи олим Ёқут Ҳамавийнинг келтиришича, Ҳаддода — ҳозирги Эроннинг Рай вилоятидаги Домғон ва Бастом оралиғидаги катта бир қишлоқ номи бўлиб, ўша даврда ҳожилар шу ерга тўхтаб ўтганлар<sup>6</sup>. Яна бу ном билан машҳур бўлган олимлардан - Муҳаммад ибн Зиёд ал-Қумсий ал-Ҳаддодий, Муҳаммад ибн Халаф ал-Ҳаддодий ал- мукрий бўлиб, Ундан Доруқутний ривоят келтирган. Шу ўринда алоҳида яна бир Ҳаддодий олим ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. У ҳам бўлса Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Мусо ибн Меҳрон ал-Ҳаддодий ал- Марвазий бўлиб, Бухоро ва бошқа шаҳарларда қози бўлган. У ҳанафий фақиҳларидан бўлиб, 388-ҳижрий сана Муҳаррам ойида вафот

<sup>1</sup> Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Алий ибн Юсуф Жазарий бўлиб, (751-833/1350-1429м) яшаб ўтган. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад юсуф уни Самарқанднинг сара уламолари қаторида зикр қилган.

<sup>2</sup> Унинг тўлиқ исми Савон ибн Аднон ибн Хошим ибн Муҳаммад Алий Довудий бўлиб, 1960- йил Дамашқда туғилган, ҳозирда Мадинаи мунавварада истиқомат қилади, йигирмадан ортиқ китоб ва таҳқиқотлар муаллифи.

<sup>3</sup> Унинг тўлиқ исми Валид ибн Аҳмад ибн солиҳ ибн Муҳаммад Ҳусайн абу Абдуллоҳ Тамимий бўлиб, 1964-йил Ироқнинг Зубайр шаҳрида таваллуд топган, йигирмадан ортиқ китоб муаллифи.

<sup>4</sup> Даврон Мақсудов. Тафсир илмига кириш.-Тошкент-2019.-Б.145-146.

<sup>5</sup> Валид Аҳмад Ҳусайн. Ал-мавсуатул муяссара фиё тарожими аймматит тафсир. 298-б.

<sup>6</sup> Шиҳобиддин абу Абдуллоҳ Ёқут ибн Абдуллоҳ Ҳамавий. Муъжамул булдон.-Байрут: Дар Содир.-Ж.2.-Б.226.



этган. Баъзи қарашларга кўра бир юз етти йил умр кўрган<sup>7</sup> У ҳам биз ҳаётини ўрганаётган ҳаддодий билан ҳамаср бўлган ва ундан бир неча йиллар аввал вафот этган. Биз тўплаган манбалар ичида у иккиси учрашганлиги ҳақида маълумотлар берилмаган. У Аллома ўз даврида Самарқанднинг кўзга кўринган қориларидан бири бўлган<sup>8</sup>. Абу Наср Ҳаддодий таваллуд санаси борасида манбаларда аниқ маълумот йўқ, тахминан X аср ярмиларига тўғри келади.

Устозлари ва шогирдлари: Муаллиф илмни фақат бир шайхдан олишга чегараланмай, бир неча шайхлардан олади. Бу эса кўзга кўринган олимларни йўли бўлиб, улар асалари каби лаззатли шароб ва тоза асал бериш учун жуда кўп гулларга қўнадилар. Шунга кўра у ҳам ўз даврини кўзга кўринган олим ва мутафаккирларидан илм олган.

Шуларда Абу Саъид ас Сирофий ал- Ҳасан ибн Абдуллоҳ, Абу Ҳафс Умар ибн Иброҳим Каттоний Бағдодий (ваф 390/1000), Абу Бакр ибн Маҳрон Аҳмад ибн Ҳусайн Исфажоний Нишопурий (ваф 381/991), Абу Бакр Аҳмад ибн Наср ибн Мансур Шазоий (ваф 373/984), Абу Яҳё Муҳаммад ибн Сулаймон Хайёт, Абу Саъид Жаъфар ибн Муҳаммад Сихтиёний, Абулқосим Зарийр Ҳибатуллоҳ ибн Салома Бағдодий (ваф 401/1020) ва Муҳаммад ибн Аббос Ҳаззоз Бағдодийларин келтириш мумкин<sup>9</sup>.

Ҳаддодий шу қадар буюк ва машҳур бўлишига қарамай, унинг шогирдлари ҳақида мавжуд манбаларда деярли ҳеч қандай маълумот учрамайди. Бу унинг шогирди йўқ эканини билдирмайди, балки улар “унинг шогирди” номи остида машҳур бўлмаган бўлиши мумкин. Шунга қарамай имом Жазарий унинг катта ўғли Наср ва кичик ўғли Муҳаммад Неъматуллоҳ унга Қуръони каримни ўтказишганини, ҳамда Ҳузали номи билан машҳур бўлган катта устоз Юсуф ибн Алий ибн Жаббора олимнинг тўнғич ўғли Насрга шогирд бўлганини зикр қилиб ўтади<sup>10</sup>.

Манбаларда алломанинг вафоти ҳақида аниқ маълумот келтирилмаган. Ибн Жазарий ўзининг “Ғоятунниҳоя” асарида алломанинг 400/1010 йилдан кейин вафот қилганлиги ҳақида келтирган.

Аллома 60 йил атрофида умр кўрган деб фараз қилсак бўлади, чунки у 360/971 йилда Самарқандда Сухтиёнидан кироат илмидан таҳсил олган. Шунга кўра, уни ўша вақтда 15 ёшда бўлган деб фараз қилсак, 400/1010 йилгача яшаган бўлса 55 га кирган бўлади. Ундан кейин ҳам озроқ умр кечирган бўлса, 405-410/1015-1020 йиллар атрофида вафот қилган<sup>11</sup>.

Манбаларда алломанинг асосан уч асари зикр этилади:

<sup>7</sup> Муҳйиддин абу Муҳаммад абдул Қодир ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Насруллоҳ ибн Солим ал-Ҳанафий. Ал-жаваҳирул мудийя фий табақотил ҳанафийя. Доктор Абдул фаттоҳ Муҳаммад ал-ҳалу таҳқиқи.-Риёд: Дар ихя кутуб ал-арбийя, 1978-1988.-Ж.3. Б. 144.

<sup>8</sup> Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Ҳаддодий Самарқандий. Ал-мадҳол либийлмит тафсир. Софван Аднон Довудий таҳқиқи.-Дамашк: Дорул қалам, 1988.-Б.17-18.

<sup>9</sup> Шовосил Зиёдов, Қодирхон Маҳмудов. Самарқанд алломалари.-Самарқанд-2017.-Б.90-95.

<sup>10</sup> Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Ҳаддодий Самарқандий. Ал-мадҳол либийлмит тафсир. Софван Аднон Довудий таҳқиқи.-Дамашк: Дорул қалам, 1988.-Б.22.

<sup>11</sup> Шовосил Зиёдов, Қодирхон Маҳмудов. Самарқанд алломалари.-Самарқанд-2017.-Б.95.



1. “Ал- мувадих фий илмит тафсири китабиллаҳи таъала” (Аллоҳ таолони китобини тафсирини равшанлаштириш);

2. “Ал-ғуня фил қироат” (Қироатдаги беҳожатлик), афсуски, бу китоб бизгача етиб келмаган. Ибн Жазарий бу асарнинг жуда қимматли асар бўлганлигига ишора қилган;

3. “Ал-мадҳал лиилми тафсири китабиллаҳи таъала” (Аллоҳ таолонинг китобини тафсир қилишга киришиш) асари бўлиб, биз қуйида мана шу асар қўлёзмаси ва мазмуни бораси тўхталиб ўтамиз.

Китобни нусхаси: Дарҳақиқат бу китобни ўрганиш жараёнида ёзилган хатни эскириб кетиши сабабли бир неча қийинчиликларга дуч келдик. Бунга қўшимча қилиб калима ва шерлардаги ўзгартиришларни келтириш мумкин ва ўзаро қиёсий таҳлил учун бу китобни бошқа нусхасини топа олмадик. Бу китобни Ер юзида ёлғиз нусхаси бор холос. Биз умумий кутубхоналардан ва қўлёзма фондларидан қидириб бундан бошқа нусхасини топа олмадик. У ҳам бўлса Ирландия миллий кутубхонасидаги қўлёзма нусхаси бўлиб, ундан иккита фото нусха амалга оширилган. Биринчиси Мадинаи мунаввара ислом университети кутубхонаси қўлёзмалар ва микрофильм бўлимида, иккинчиси эса Маккаи мукаррама уммул қуро университети кутубхонаси қўлёзмалар ва микрофильм бўлимида сақланмоқда. Бу икки нусха ҳам Ирландиядаги аслий нусхадан микрофильм орқали суратга олинган. Нусха ўрта ҳажмда 123 вароқдан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифада 19 қатор бор. Уни ёзиб олган котиб номи баён этилмаган. Тадқиқотлар қўлёзма саккизинчи ҳижрий асрга тегишли эканини билдиради<sup>12</sup>.

Бу китоб Қуръон илмлари ва тафсири борасида таълиф этилган қимматли асар ҳисобланади. Муаллиф уни Аллоҳ таолони китоби бўлмиш “катта қаср”га киришни ҳоҳлаган киши учун калит ўлароқ таълиф этган, зеро калитсиз эшик очилмайди.

Муаллифнинг ўзи уни ёзишга ундаган сабабни қуйидагича келтиради:

1. Кичик ўғли Муҳаммадга ва барча мусулмонларга совға ва тухфа бўлсин учун;
2. Мулҳидлар (атеистлар) ва шуларга ўхшаганлардан бўлган Қуръони каримга таъна тошини отадиганларга раддия бўлсин учун.

Мазкур китоб мавзуси ва муаллифни бу китоб бўйича йўналишига тўхталадиган бўлсак, асарнинг мавзуси уни номидан шундай маълумдир, яъни тафсир илми ва араб тили қоидаларидан унга боғлиқ жиҳатлар ҳақида эканлиги. Муаллиф китобни бир неча бобларга, бобларни эса фаслларга бўлади. Масалан “Фотиҳа” сурасидан бошлаб, унда саккизта боб бор, дейди:

1. Мубтадо ва уни хабари (эга кесим);
2. Исми масдарликка кўра насб бўлиши;
3. Мухотаб сийғадан ғоиб сийғага ўтилиши;
4. Ғоиб сийғадан мухотабга ўтилиш;

<sup>12</sup> Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Ҳаддодий Самарқандий. Ал-мадҳол лиилмит тафсир. Софван Аднон Довудий таҳқиқи.-Дамашк: Дорул қалам, 1988.-Б.45.



5. Музофни ҳазф қилиб, ўрнига музофун илайҳни ўрнатилиши;
6. “Ла” калимасини сила бўлиб келиши;
7. Бадал ва ундан бадал қилинганлар;
8. “Қовлун” калимасидан кейин келувчилар.

Муаллиф бу боблардан ҳар бири ҳақида тўхталиб, шу қоидаларга дохил бўлган Қуръон оятларига ҳам бирдан киришиб кетади, “Фотиҳа” сурасида келгани билан чегараланиб қолмай, бошқа суралардаги унга боғлиқ ўринларни ҳам келтириб, кейин бу мавзуга иккинчи бор қайтмайди. Кейин “Бақара” сурасига киришиб, “Фотиҳа” сурасида келмаган қоидаларни бобларга бўлиб, юқоридаги каби баён қилиб кетаверади ва ҳоказо.

Ҳаддодийни бу асари хусусиятларига хулоса ўрнида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Тушинтириш мақсадида мавзудан четга чиқиш;
2. Қоидаларга Қуръони каримдан кўплаб далил келтириш;
3. Муаллифнинг шеърятдан яхши воқиф эканлиги, айниқса жоҳилия давридаги шеърларни яхши ўзлаштиргани;
4. Ҳадиси шарифлардан грамматик қоидалар учун камроқ далил келтириши;
5. Оз ўринларда бўлса ҳам китоб гўзаллигини зийнатлайдиган араб зарби масалларидан фойдаланиши.

Хулоса ўрнида Абу Наср Ҳаддодий ҳаёти ва илмий фаолияти жуда кам ўрганилган, ҳатто айрим тадқиқотчилар муаллифнинг бу асарини унга тегишли эмас, деган қарашни олға сурадилар. Шунга кўра ёзма асарни илмий жиҳатдан пухта ўрганиш, ўзбек тилига изоҳли таржима қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Чунки бу манба Аллоҳни китоби Қуръони каримни биринчи навбатда тўғри тушиниш, тўғри тафсир қилиш ва етказишда муҳим аҳамиятга эга асарлардан ҳисобланади. Нафақат муфассирлар, тажимонлар ва илм аҳллари учун, балки Қуръони каримдан бирор оят борасида гапирмоқчи бўлган ҳар бир киши учун ўрганиш лозим бўлган бебаҳо хазинадир.